



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2023

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 – ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 – КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 – ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 – ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 – МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)

Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)


Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

| | |
|--|-----|
| 1. Худайбердиева Азиза Нормухамедовна РЕФЕРЕНДУМ – ВАЖНАЯ ВЕХА ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И УКРЕПЛЕНИЯ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ..... | 5 |
| 2. Мамараимова Гулрух Махмудовна ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН КЎЧМАС МУЛК ҚУРГАНЛИК УЧУН ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ..... | 13 |
| 3. Хакбердиев Абдумурад Абдусайидович ҲАҚАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ..... | 20 |
| 4. Тошбоева Робия Собировна ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ В КОНТЕКСТЕ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРИРОДНОРЕСУРСНОЙ КАДАСТРОВОЙ СИСТЕМЫ..... | 28 |
| 5. Маткаримов Қудрат Қаландарович АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ..... | 35 |
| 6. Матмуротов Алибек Равилович АДВОКАТНИНГ МАХСУС КИЙИМИ (МАНТИЯ)НИ ЖОРИЙ ЭТИШ АДВОКАТ МАҚОМИНИНГ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА..... | 43 |
| 7. Бойдедаев Садирдин Абдусатторович КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ДЕТЕРМИНАНТАЛАРИНИ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ..... | 50 |
| 8. Розимова Қундуз Юлдашевна АЙБДОР ЎЗ ҚИЛМИШИГА АМАЛДА ПУШАЙМОН БЎЛГАНДА ВА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... | 64 |
| 9. Salaev Nodirbek Saparbaevich THE CONCEPT OF THE PENITENTIARY SYSTEM..... | 72 |
| 10. Янгиев Ғайрат Аvezхонович, Ҳайитов Вафо Шавкатович ДАЛИЛЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ – ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ ИНСТИТУТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ..... | 79 |
| 11. Янгиев Ғайрат Аvezхонович, Пўлатов Азаматжон Эргаш ўғли ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... | 87 |
| 12. Хамдамова Фируза Уразалиевна ОБЗОР МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ СТАНДАРТОВ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА В ЦИФРОВУЮ ЭПОХУ: (посвящается 75-летию Всеобщей декларации прав человека)..... | 100 |



12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Маткаримов Қудрат Қаландарович,
Тошкент давлат юридик университети
Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура
кафедраси доцент вазифасини бажарувчиси,
юридик фанлари доктори (DSc)
E-mail: matkarimovkudrat79@gmail.com

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

For citation: Matkarimov Kudrat Kalandarovich. ADVOCACY IS HUMAN RIGHTS ENSUREMENT GUARANTEE. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 6, pp. 35-42



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7985587>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адвокатура институти инсон ҳуқуқларини таъминлаши билан боғлиқ айрим жиҳатларига эътибор қаратилган. Адвокат қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга. Адвокат: юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маслаҳат бериши; юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтаи назар билан ёндашмаслиги; ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг) нуқтаи назарига қўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши шарт эканлиги бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: Адвокатура тушунчаси, одил судлов, адвокатларнинг мустақиллиги, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, ишонч билтирувчи, ҳимоя остидаги шахс.

Маткаримов Қудрат Қаландарович,
Исполняющий обязанности доцента кафедры суд,
правоохранительные органы и адвокатуры
Ташкентского государственного
юридического университета
доктор юридических наук, (DSc)
E-mail: matkarimovkudrat79@gmail.com

ИНСТИТУТ АДВОКАТУРЫ – ГАРАНТИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена некоторым аспектам, связанным с обеспечением прав человека адвокатурой. Адвокат имеет и другие права, предусмотренные законом. Адвокат: консультирует юридических и физических лиц, обратившихся за юридической помощью, об их правах и обязанностях; не подходит к работе лица, обратившегося за юридической помощью, с профессиональной точки зрения, что усугубляет его положение; высказывает мнения и замечания о том, что в случае принятия неправомерного решения с точки зрения лица, выражающего доверие (лица, находящегося под его защитой), он должен обжаловать это решение в установленном законодательством порядке.

Ключевые слова: понятие адвокатуры, правосудие, независимость адвокатов, верховенство права, права человека, доверительный управляющий, защищаемое лицо.

Matkarimov Kudrat Kalandarovich,

Acting Associate professor of the Department
Judicial, law enforcement agencies and advocacy
of Tashkent State University of Law, Doctor of Laws
E-mail: matkarimovkudrat79@gmail.com

ADVOCACY IS HUMAN RIGHTS ENSUREMENT GUARANTEE

ANNOTATION

This article focuses on some aspects related to the provision of human rights by the legal profession. Advocate has other rights provided by legislation. Advocate has other rights which An advocate: advises legal entities and individuals who have applied for legal assistance about their rights and obligations; not to approach the work of the person who applied for legal assistance with a professional point of view that aggravates his situation; Opinions and comments were expressed on the fact that in the case of an illegal decision from the point of view of the person expressing trust (the person under his protection), he must appeal against this decision in accordance with the procedure established by law.

Keywords: The concept of advocacy, justice, independence of advocates, rule of law, human rights, trustee, protected person.

Демократик ҳуқуқий давлатда ва адолатли фуқаролик жамиятида адвокат алоҳида рол ўйнайди. Адвокатура – ҳар бир шахснинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини профессионал асосида таъминловчи демократик ҳуқуқий институтдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил амалга оширилиши давомида Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тасдиқланди ва кейинги беш йилликда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган бир қанча вазифалар белгиланди.

Тараққиёт стратегиясининг 19-мақсадида Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича бирқанча вазифалар белгиланди [1].

Шунингдек, ўтган 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди [2].

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мақсади – инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида адвокатуранинг нуфузини ошириш, судларда қонун устуворлигини таъминлаш, демократик инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтиришдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, адвокатура институтининг ривожлантириш орқали, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва аниқ чора-тадбирларни белгилашдан иборатдир.

«Инсон кадри учун», «Давлат – инсон учун» деган эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида адвокатура институтининг янада ривожлантиришга талаб ошиб бормоқда. Фуқароларнинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий кадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов тамойиллари, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi, айбсизлик презумпсияси каби қатор фундаментал, умум этироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ўз аксини топган.

Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг пировард мақсади инсонлар учун эркин, қулай, фаровон ҳаёт шароити яратишга қаратилган. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари одил судловни фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилувчи жараёнга айланмоғи, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга олиб келувчи, мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос солиниши сифат ўзгаришларга олиб келмоғи лозим [3].

Ўзбекистон Республикасининг янгиланган конституциясининг 141- 142 моддаларида Жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади.

Адвокатурани ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмайди.

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади.

Адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилиниши кафолатланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб, уларга хизмат қилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тикланишини таъминламоқда [4].

Инсон ҳуқуқлари – бу шахс мавжудлигининг ўзига хосликлари ва хусусиятлари бўлиб, инсонларга тегишли бўлган эркинликлар бўлиб, ҳаётда, жамият, давлат ва бошқа индивидлар билан муносабатларда олиб қўйилмайдиган муҳим усул ҳамда шароитларни ифодалайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адвокатлик институти инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Адвокатуранинг аҳамияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда конституциявий қонунийлик режимини мустаҳкамлашда иштирок этишда намоён бўлади[5].

Шунингдек, мамлакатимизда адвокатура бўйича амалга оширилилаётган ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Президент қарори (ПҚ–263, 30.05.2022 й) қабул қилинди Қарорга кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

- адвокатлик фаолияти учун лицензия бериш, малака имтиҳонини топшириш тартиби сақланган ҳолда, “Лицензия” ахборот тизими орқали;

- адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш ЯИДХП орқали амалга оширилади;

- адвокатликни бошладда малака имтиҳонини топшириш, лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича композит хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

2023 йил 1 январдан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интегратсия қилишни назарда тутувчи “Юридик ёрдам” ахборот тизими ишга туширилади.

Мазкур ахборот тизими доирасида:

- адвокатлар электрон реестри ва адвокатларнинг шахсий электрон кабинети шакллантирилади;

- адвокатнинг шахсий электрон кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишига асосан масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имконияти яратилади;

- адвокатура, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилади;

- терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида адвокатга электрон хабар бериш имконияти яратилади;

- адвокат сўровини электрон юбориш ва адвокат сўрови асосида юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилади;

- адвокатнинг ўз аризасига кўра адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш электрон тарзда адвокат томонидан хабарнома бериш шаклида амалга оширилади. Адвокатура соҳасида амалга оширилилаётган ишлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кафолатланишига сабаб бўлади.

Адвокатура – ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади[6]. Ёки бошқача айтганда адвокатура адвокатларнинг кўнгилли уюшган жамоат ташкилотидир[7].

Адвокатура – ўз-ўзини бошқарувчи, мустақил ташкилот. Адвокатура коллегияси (хайъати) округ ва олий судларидан ташкил топади [8].

Адвокатлик муассасалари ўз фаолиятларини қонуннинг устунлиги, мустақиллиги ва бошқа демократик принциплар асосида амалга ошириши лозим.

Илмий адабиётларда адвокат сўзига қуйидагича таъриф бериб ўтилган:

“Адвокат (лотинча адвосатус, адвосаре сўзларидан олинган бўлиб, “ёрдамга чакириш” деган маънони англатади) – юридик ёрдам кўрсатувчи шахс бўлиб, жиноят ишлари бўйича суриштирув, тергов ҳаракатлари юритилганда ва суд мажлисларида, фуқаролик ишлари судларида, хўжалик низоларини ҳал этишда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда қонунда белгиланган тартибда ваколатга эга бўлган ва ўзининг юридик ёрдами билан иштирок этадиган шахс”.

Адвокатларнинг судда ёрдам бериши кўпчилик давлатларнинг қонунларида ўз аксини топган. ГФР да мавжуд қонунга кўра “Адвокатлар давлат ҳокимиятидан мустақил ва эркин бўлиб, улар судлов ҳокимиятини амалга оширишга кўмаклашадилар” [9].

Илк бора судларда адвокатлар иштирок этиши лозимлиги ҳақидаги ғоя юнон мутафаккири Афлотун томонидан тарғиб этилган эди.

Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботнинг мустаҳкамланишини қонунларнинг тарғиб этилишини, фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида адвокатлар ва уларнинг уюшмаси муҳим аҳамият касб этади. Адвокатлар ва уларнинг уюшмаси аҳолига ҳамда юридик шахсларга юридик жиҳатдан ёрдам беради.

Адвокатлар ҳайъати – махсус юридик маълумотга ва тегишли рухсатномага эга бўлган шахсларнинг ўзини – ўзи бошқарувчи ва ўзини – ўзи пул билан таъминлаб турувчи давлат таркибига кирмайдиган ташкилот.

Адвокат жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар беради; ҳуқуққа оид аризалар, шикоятлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатларни тузади; фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судларда, бошқа давлат органларида жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади; жиноий ишлар бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳимоячи; тарафлардан бири судда иштирок этмаса унинг номидан адвокат иштирок этади [10].

Адвокат – олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритган шахс[11].

Адвокатлик институти баъзи мамлакатларда иккига бўлинади: масалан, Буюк Британияда адвокатлар барристерлар ва солисторларга бўлинади. Барристерлар асосан унчалик муҳим бўлмаган маъмурий ёки фуқаролик ишлари бўйича адвокатлик ёрдамини кўрсатадилар, солисторлар эса кўпинча жиноят ишларида иштирок этадилар[12].

Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида бир қатор ҳуқуқларга эга бўлади. Адвокатнинг ҳуқуқлари:

- тегишли масалаларни ҳал этишда ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларни топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- судларда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;
- юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан давлат органларидан ҳамда жамоат ташкилотларидан зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;
- унга ваколат берган ёки унинг ҳимоясида иш юритаётган судга ва бошқа давлат органларига тўпланган материалларни тақдим этиш;
- мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят бериш, ҳамда улардан ёзма тарзда далил – исботли жавоб олиш;
- ҳар бир мамлакатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш;

Жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайёрланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини вақт қилиб юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокатура ҳуқуқий муассаса ҳисобланади. У адвокатлик фаолияти ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзи фаолият юритувчи давлатнинг фуқароларига, ажнабий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда фаолият кўрсатиши мумкин, ёки бўлмаса, ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақли.

Адвокатура нотижорат ташкилот бўлиб, ўзининг фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади[13].

Адвокатуранинг молиявий маблағлари ва унинг у ташкил этилган ҳудуддаги давлат билан ўзаро муносабати ўша давлатнинг қонунчилиги билан белгиланади.

Адвокатлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёки бошқа ягона мақсадлар йўлида адвокатлик жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, “адвокатура – фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муҳим ҳуқуқий институт” [14]. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунининг тўртинчи моддасига кура адвокатнинг ваколатлари қуйидагича белгиланган.

Жумладан: Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шунингдек, агар олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонунчилиikka зид бўлмаса, республика ташқарисида ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, адвокатлар қонунчилиikka кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга: қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш; ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонунчилиikka белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган ҳоли учрашувлар ўтказиш; иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонунчилиikka белгиланган тартибда фойдаланиш; агар жиноят ишини юритишда, шунингдек фуқаролик ишини, иқтисодий ишни ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонунчилиikka назарда тутилган тартибда танишиш.

Адвокат қонунчилиikka назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга. Адвокат: юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маслаҳат бериши; юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтаи назар билан ёндашмаслиги; ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг) нуқтаи назарига кўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши шарт. Адвокат қонунчилиikka назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради. Юқоридаги адвокатларга берилган ваколатлардан кўриниб турибдики, адвокатлар фуқароларнинг қонуний маънфаатларини ҳимоя қилишида барча усул ва воситалардан фойдаланишади. Шулардан келиб чиқиб купчилик ҳолларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини адвокатлар орқали ҳимоя қилинишини авзалроқ кўришади.

Фикримиз сўнгида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг теров ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбини обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида 2008 йилнинг 2 майида “Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фаромони [15] инг қабул қилинганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Амалга оширилаётган ишларнинг давомийлиги сифатида Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасининг 2- конференциясининг 2013 йил 27 сентябрдаги қарорига 8-илова сифатида адвокатнинг касб этикаси қоидалари тасдиқланди[16]. Мазкур касб этикаси қоидасида адвокатларнинг ўзаро муносабатлари, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан муносабатлари, адвокатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, бошқа давлат, жамоат ташкилотлари ва ўзга ташкилотлар билан

муносабатлари, адвокатнинг Ўзбекистон республикаси адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари органлари, шунингдек малака комиссиялари билан муносабатлари ҳақидаги бир қанча қоидалар мустаҳкамланди [17].

Касб этикаси қоидаларига мувофиқ, улар адвокатларга нисбатан тадбиқ этилиб, адвокатлар (адвокатлик тузилмаларининг раҳбарлари) ёрдамчиларни, стажёрларни ва шу адвокатлик тузилмаларининг бошқа ходимларини ушбу қоидалар билан таништириши, улар томонидан мазкур қоидаларнинг ўз меҳнат вазифаларига тааллуқли нормаларига ҳамда адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқадиган вазифаларига риоя этилишини таъминлаши шарт [18]. Албатта бу соҳада амалга оширилган ишлар адвокатлар ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ўз касбига виждонан ёндошишни талаб қилади.

Биламизки, миллий қонунчиликка кўра, жиноят ишларида давлат ҳисобидан фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш белгиланган, лекин фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишда фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш масаласи назарда тутилмаган [19].

Кўплаб хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилганда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш нафақат жиноят ишлари, балки маъмурий ва фуқаролик, иқтисодий ишларда ҳам жорий қилинган [20].

Процессуал қонунчиликка кўра, суд ишларини юритишда профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкинлиги белгиланган.

Фуқаролик ва маъмурий суд ишларини юритишда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига, иқтисодий суд ишларини юритишда янги ташкил этилган (1 йилгача) кичик бизнес субъектлари ва банкротлик ёқасида турган тадбиркорлик субъектларига давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш масаласини жорий этиш таклиф этилади.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, мазкур соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида адвокатурани инсон ҳуқуқ ва эркинликларни чинакам ҳимоячисига айлантиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2022. (Development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026. T.: Uzbekistan, 2022).
2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор юналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси Т.: Ўзбекистон, 2017. (Action strategy on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 T.: Uzbekistan, 2017).
3. Рустамбаев М.Х. Ислохот ва қонун уйғунлиги. // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. 2006. №2. -13-15 б. (Rustambaev M.H. Reforms and harmony of the law. // J. Right and duty. 2006. No. 2. -13-15 p.)
4. Жамолов Б. Суд ислохотлари инсон манфаатлари ҳимоясида. // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. 2006. №4-5. -2-3- бетлар. (Jamolov B. Judicial reforms in the protection of human interests. // J. Right and duty. 2006. No. 4-5. -2-3- pages).
5. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. Икки жилди. 1-жилд. Тошкент, 2007. – 234 б. (Advocacy activities in the Republic of Uzbekistan. Two volumes. Volume 1. Tashkent, 2007. - 234 p.)
6. Юридик энциклопедия // У.Таджихонов таҳрири остида, -Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил, - 388 б. (Legal encyclopedia // Under the editorship of U. Tadzikhonov, -Tashkent: General editorial office of Sharq publishing-printing joint-stock company, 2001, - 388 p.)

7. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 1-қисм, (А-Бешбалик) Давлат илмий нашриёти, Тошкент 2000. -129 б. (National Encyclopedia of Uzbekistan", Part 1, (A-Beshbaliq) State Scientific Publishing House, Tashkent 2000. -129 p.)
8. В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран, - Москва: Юрист, 2001. – с. 344. (V.E. Chirkin. Constitutional law of foreign countries, - Moscow: Jurist, 2001. - p. 344).
9. Германия - страна представляется, издано по заказу Ведомства печати и информации Федерального Правительства ФРГ, Редактор – переводчик Л.Бенедикс, 1990. - с. 24. (Germany - the country appears, published by order of the Press and Information Office of the Federal Government of the Federal Republic of Germany, Editor-translator L. Benedix, 1990. - p.)
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 1-қисм, (А-Бешбалик) Давлат илмий нашриёти, Тошкент 2000. -128 б. (National Encyclopedia of Uzbekistan Part 1, (A-Beshbaliq) State Scientific Publishing House, Tashkent 2000. -128 p.)
11. Юридик энциклопедия // У.Таджихонов тахрири остида, - Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. – 11 б. (Legal encyclopedia // under the editorship of U. Tadzhihkanov, - Tashkent: Main editorial office of Sharq publishing-printing joint-stock company, 2001. - 11 p.)
12. Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран. – Москва: Харвест, 2000. – 365 б. (Chudakov M.F. Constitutional law of foreign countries. - Moscow: Harvest, 2000. - 365 p.)
13. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 1-қисм, (А-Бешбалик) Давлат илмий нашриёти, - Тошкент 2000 йил, - 129 б. (National Encyclopedia of Uzbekistan Part 1, (A-Beshbaliq) State Scientific Publishing House, - Tashkent 2000, - 129 p.)
14. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. Икки жилди. 1-жилд. Тошкент, 2007. – 11 б. (Advocacy activities in the Republic of Uzbekistan. Two volumes. Volume 1. Tashkent, 2007. - 11 p.)
15. Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Халқ сўзи газетаси. 2008 йил 2-май. (See more about it: People's Word newspaper. May 2, 2008.)
16. Мардонов К. Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этишда қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг устувор йўналишлари //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 15-21. (Mardonov K. Priorities of the prosecutor's control over compliance with laws in the execution of court documents and documents of other bodies // Society and innovation. - 2023. - Vol. 4. - No. 1. - P. 15-21.)
17. Давлятов В. Х. Ўзбекистонда адвокатура институтининг 1990–1996 йилларда ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусиятлари //Журнал правовых исследований. – 2022. – Т. 7. – №. 5. (Davlyatov V. Kh. Peculiarities of the stage of development of the bar institute in Uzbekistan in 1990-1996 //Journal of legal research. - 2022. - Vol. 7. - No. 5.)
18. Matmurotov A. Some limitations in the practice of advocacy: national and foreign experience //Инновационные подходы в современной науке. – 2021. – С. 231-237.
19. Nurumov D. Role and importance of advocacy in legal support of business entities //The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2020. – Т. 2. – №. 12. – С. 117-122.
20. Кодиралиев С., Тулаганова Г. Роль адвоката в реализации права на защиту и квалифицированную юридическую помощь, установленного Конституцией Республики Узбекистан //Review of law sciences. – 2020. – Т. 1. – №. Спецвыпуск. – С. 152-156. (Kodiraliev S., Tulaganov G. The role of a lawyer in the implementation of the right to protection and qualified legal assistance established by the Constitution of the Republic of Uzbekistan // Review of law sciences. - 2020. - Vol. 1. - No. Special issue. - P. 152-156.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000